

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА МУАЛЛИФЛИК ХУҚУҚИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Усмонов Восид Мухаммадиевич

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги

Юристар малакасини ошириш маркази

Хусусий–ҳуқуқий фанлар кафедраси ўқитувчиси, PhD

usmonov.vosid@mail.ru +99899821-33-40

АННОТАЦИЯ

Мақолада оммавий ахборот воситаларида муаллифлик ҳуқуқи ривожланиш тарихи, уни муҳофазасини таъминлаш масалалари ҳақида сўз боради. Хусусан бу йўналишда оммавий ахборот воситаларининг тутган ўрни, ҳимоялаш усуллари ва техник талаблари ҳамда бу йўналишдаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш жараёнлари хусусида баён этилган. Шунингдек, мақолада бу йўналишдаги жаҳон тажрибаси, Ўзбекистон қонунчилиги нормалари ва амалиёти ҳақида баён этилган. Оммавий ахборот воситаларида муаллифлик ҳуқуқи объектларини ҳимоя қилиш ва уни қўллаш билан боғлиқ масалалар кенг муҳокама қилинган. Телекоммуникация тармоқлари ва интернетда нафақат оммавий ахборот воситаларида муаллифлик ҳуқуқини таъминлаш, балки ушбу соҳани ривожлантириши, давлат хизматларини кўрсатиши, ундаги ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

***Калит сўзлар:** муаллифлик ҳуқуқи, оммавий ахборот воситалари, халқаро шартнома, ҳуқуқий ҳимоя.*

ЭТАПЫ РАЗВИТИЯ СРЕДСТВО МАССОВОЕ ИНФОРМАЦИИ И АВТОРСКОЕ ПРАВО

Усмонов Восид Мухаммадиевич

Министерство Юстиции Республики Узбекистан

Центр повышения квалификации юристов

Преподаватель кафедры частно-правовых наук, PhD

usmonov.vosid@mail.ru +99899821-33-40

АННОТАЦИЯ

В статье пойдет речь о вопросах обеспечения его защиты в средствах массовой информации при использовании объектов авторского права. В частности, очерчена роль СМИ в этом направлении, методы защиты и

технические требования, а также процессы регулирования правоотношений в этом направлении. Также в статье представлен мировой опыт в этом направлении, описаны нормы и практика законодательства Узбекистана. В средствах массовой информации широко обсуждались вопросы, связанные с охраной и применением объектов авторского права. В телекоммуникационных сетях и в Интернете важно не только обеспечить авторское право в средствах массовой информации, но и развивать эту сферу, предоставлять государственные услуги, обеспечивать информационную безопасность в ней.

Ключевые слова: авторское право, средства массовой информации, международное соглашение, правовая охрана.

STAGES OF DEVELOPMENT MEDIA AND COPYRIGHT

Usmonov Vosid Mukhammadievich

Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan

Center for Advanced Training of Lawyers

Lecturer of the Department of Private Law Sciences, PhD

usmonov.vosid@mail.ru +99899821-33-40

ABSTRACT

The article will discuss the issues of ensuring its protection in the media when using copyright objects. In particular, the role of the media in this direction, methods of protection and technical requirements, as well as the processes of regulating legal relations in this direction are outlined. The article also presents the world experience in this direction, describes the norms and practice of the legislation of Uzbekistan. Issues related to the protection and application of copyright objects were widely discussed in the media. In telecommunication networks and on the Internet, it is important not only to ensure copyright in the media, but also to develop this sphere, provide public services, and ensure information security in it.

Keywords: copyright, mass media, international agreement, legal protection.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик давридан муаллифлик ҳуқуқига оид халқаро меъёрларга риоя этиб келмоқда. Бу ҳолат муаллифлик ҳуқуқи масалалари билан шуғулланиб келаётган бир қатор халқаро ташкилотларнинг дастурлари ва ҳужжатларида ҳам белгиланган.

Муаллифлик ҳуқуқи чегара билмайди. Бир давлат ҳудудида яратилган асар бошқа бир давлат ҳудудида фойдаланилганда асарнинг дахлсизлиги, муаллифга

берилган барча ҳуқуқлари сақланади ва у ҳимоя қилинади. Жумладан, Республика ҳудудида яшаб, ижод қилган муаллифларнинг асаридан бошқа мамлакатларда ҳам фойдаланилади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилишга қаратилган 10 дан ортиқ қонун қабул қилинди. Муаллифлик ҳуқуқига оид қонунчилик асосларининг яратилиши давлатимизнинг шу соҳадаги халқаро ташкилотлар ва конвенцияларга аъзо бўлиб киришида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди. Бу эса муаллифларимизга ўз ҳуқуқларини халқаро ҳуқуқ нормалари доирасида ҳимоя қилиш, шунингдек хорижий муаллифлар асарларидан ҳам республикамизда фойдаланиш имконини беради.

Маданий индустриянинг жаҳон миқёсида ривожланиб кетаётганлиги ва катта даромад манбаига айланаётганлиги миллий қонунчиликни қайтадан таҳлил этишни вазифа қилиб қўймоқда. Эндиликда фан, адабиёт, санъат асарлари, амалий-безак, ҳунармандчилик ва бошқа интеллектуал мулк маҳсулотларини айирбошлаш натижасида ҳам катта даромадлар олиш тан олинмоқда. Масалан, АҚШда миллий даромаднинг 1/3 қисми интеллектуал мулк маҳсулотларини сотиш, ижарага бериш ёки ўзгача йўл билан айирбошлаш натижасида олинади.

Бу хил маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи юридик ва жисмоний шахсларга катта имкониятлар берилган ҳамда улар учун мустаҳкам ҳуқуқий кафолат яратилган. Европа мамлакатларининг кўпчилигида ҳам давлат томонидан фуқароларга ижод қилиш, эркин фикрлаш ва ижод намуналаридан фойдаланишлари учун катта имкониятлар яратилган. Уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мулкларини жамоа асосида бошқариш мақсадида бир қатор ташкилотлар тузилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ЮНЕСКО интеллектуал мулк ва муаллифлик ҳуқуқларига оид масалалар билан ҳам бевосита шуғулланади. Женева шаҳрида жойлашган Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) мустақилликка эришган янги давлатларга алоҳида эътибор билан қарамоқда. Жумладан, Ўзбекистон ушбу ташкилотга 1993 йили аъзоликка қабул қилинди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ҳозирги кунда ушбу ташкилотга 180 дан ортиқ давлат аъзо ҳисобланади. Эндиликда муаллифлик ҳуқуқига оид барча масалаларни ечишда республикамиз тенг ва ўзаро ҳамкорлик тамойиллари нуқтаи назаридан

қатнашади, бошқа давлатлар билан халқаро алоқалар ўрнатади. Мамлакатимизда яратилган адабиёт ва санъат асарлари репертуарини тузиш, хорижий мамлакатларда тарғиб қилиш, муаллифларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, уларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, хорижий муаллифлар асарлари ижроси ҳақида маълумотлар тўплаш, асарларимиз дахлсизлигини таъминлаш долзарб вазифалар жумласидандир.

Айниқса, ҳозирги вақтда телевидение, кабелли студиялар, радио, овоз ёзиш ва нусха кўпайтириш студиялари, корхоналар ҳамда бошқа жамоат жойларида маданият ва санъат асарларидан муаллифлар ва ҳуқуқ эгаларининг розилигисиз, лицензиясиз, муаллифлик ҳақларини тўламасдан фойдаланиш, сифатсиз аудио, видео ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш оқибатида соҳа қонунчилиги талабларининг қўпол равишда бузилиши ҳоллари кўпга содир этилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида муаллифлик ҳуқуқи қонунчилигининг тутган ўрни каттадир. Муаллифлик ҳуқуқига оид қонунчилик тарихийлиги, ҳаракат доирасининг кенглиги, бошқа ҳуқуқ соҳалари билан бевосита алоқадорлиги, халқаро ҳуқуқ нормалари доирасида ҳам татбиқ этилиши билан ажралиб туради. Муаллифлик ҳуқуқи қонунчилигини ҳуқуқ назарияси ва уни англаш мазмунидан келиб чиқиб, қуйидаги тизимда ўрганиш мумкин:

1. Муаллифлик ҳуқуқини белгиловчи қонунчилик асослари (Фуқаролик кодекси);
2. Муаллифлик ҳуқуқига оид барча қоидаларни мужассамлаштирган қонунлар (муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун);
3. Алоҳида тоифадаги муаллифлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар (шаҳарсозлик ва меъморчилик тўғрисидаги, ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисидаги, журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш ҳақидаги ва бошқа қонунлар).
4. Муаллифлик ҳуқуқига оид бўлган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар (конвенция, шартнома, битим ва бошқалар);

Муаллифлик ҳуқуқининг бундай бир тизимга жойлаштирилиши соҳа қонунчилигини ҳар томонлама ва мукаммал ўрганишга олиб келади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида интеллектуал мулкка, хусусан муаллифлик ҳуқуқига оид нормалар белгиланган. Айниқса, Кодексида бевосита интеллектуал мулкка оид қоидаларнинг алоҳида IV бўлимга жамлангани ҳам муаллифлик ҳуқуқига катта эътибор берилаётганлигидан

далолатдир. Фуқаролик кодексининг объектларга нисбатан бўлган янги талқини инсоннинг интеллектуал мулк натижалари фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда ўзига хос объект эканидан далолат беради.

Муаллифлик ҳуқуқига оид барча қоидалар мужассамлаштирилган алоҳида қонун – бу «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»¹ги қонундир. Қонуннинг умумий қоидалар бўлимида муаллифлик ҳуқуқига оид атамалар тушунчаси, қонун ҳужжатлари, муаллифлик ҳуқуқи бўлимида эса - муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш соҳаси, муаллифлик ҳуқуқи билан кўриқланадиган объектлар, асар қисмлари ва ҳосила асарлар, ҳаммуаллифлик, фильм ва интервью муаллифлари, муаллифлик ҳуқуқларининг чекланиши, муаллифлик шартномаси, муаллифлик ҳуқуқларини бошқариш ва бошқа қоидалар алоҳида моддалар сифатида белгиланган.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар мулкӣ ҳарактерда ва мулкӣ ҳарактерда бўлмаган шахсий ҳуқуқий муносабатлар, мутлақ ва нисбий ҳуқуқий муносабатлар, мулкӣ ҳуқуқ ва мажбурият муносабатлари турларига бўлинади.

Аввал муаллифлар ўз ҳуқуқларини қатъий муддатлари ва шартлари орқали қонунда белгилаб қўйилган ҳолда амалга оширган бўлсалар, бозор иқтисодиёти шароитида уларнинг ҳуқуқлари эркин ва ўзаро манфаатли келишувларга асосланган ҳолда шартлари хоҳиш-истаклар асосида белгиланадиган муносабатлар орқали ҳимоя қилинадиган бўлди.

Мустақиллик даври фуқаролик кодекси ва соҳа қонунлари биринчи марта янги турдаги объектлар (фонограмма, видеоёзув, реклама маҳсулотлари ва бошқалар)нинг ҳуқуқий жиҳатдан муҳофазасини ўрнатди. Фуқаролик кодекси мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳатларни таъминлашда хусусий мулк ҳимоясини хусусан, муаллифлик ҳуқуқи ҳимоясини янги руҳда белгилаш орқали ўзининг ҳуқуқий салоҳиятини кўрсатди.

Республикаимизда олиб борилаётган ислоҳатлар марказида муаллифлик ҳуқуқига оид қонунчиликнинг ҳам тадқиқ этилаётгани бой маданий меросимизнинг ҳар томонлама ҳимояга олинаётгани, инсоният ривожланиш даврида унинг салоҳиятини белгилаб олиш имконини беради.

Айни пайтда яна бир қанча қонунларни санаб ўтиш жоиз. 1996 йил 30 августдаги “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги Қонун, 1994 йил 5 майдаги “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар ҳуқуқи ҳимояси тўғрисида”ги Қонун, 1996 йил 24 апрелда қабул қилинган “Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун, 1992 йил

¹ <https://lex.uz/acts/1022944#1023479>

25 декабрдаги “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонун Ўзбекистон Республикасининг муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги миллий қонунчилик тизимини ташкил этади.

Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларнинг алоҳида соҳа қонунлари орқали ҳимоя қилиниши ҳимоя тизимининг барқарор ишлашига олиб келади. Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуни соҳага оид махсус қонун бўлиб, унда бевосита муаллифлар ва турдош ҳуқуқлар субъектларнинг шахсий номулкӣ ва мулкӣ ҳуқуқлари мустаҳкамланган. Яъни, қонуннинг асосий ғояси шахсга-муаллиф (турдош ҳуқуқлар субъектлари)га, унинг меҳнати, фоалияти натижасида келиб чиқадиган муносабатларга қаратилган. О.Оқюловнинг фикрига кўра “интеллектуал мулк, ижодий фаолиятнинг натижаси унинг яратувчиси, муаллифи шахсидан ажралмасдир”². Олимнинг бу фикрига қўшилиб айтиш мумкинки, қонун аввало объектни эмас, балки унинг яратувчиси ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиши керак.

Муаллифлик ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқи ва халқаро хусусий ҳуқуқнинг тармоғи сифатида амалда бўлади. Муаллифлик ҳуқуқининг объекти – бу инсон ижодий тафаккури натижасидан яратилган турли кўринишдаги асардир. Амалдаги қонунчилик ва халқаро шартномаларга кўра куйидагилар муаллифлик ҳуқуқининг объектлари ҳисобланади:

- бадий асарлар;
- драматик ва мусикали-драматик асарлар, сахна асарлари;
- хореография асарлари ва пантомималар;
- матнли ва матнсиз мусика асарлари;
- аудиовизуалли асарлар (кино-теле ва видеофильмлар, суръат фильмлар, диафильмлар ва бошқа кинотелеасарлар);
- рассомлик асарлари, ҳайкалтарошлик, сураткашлик, бадий безак, суратли ҳикоялар, қисқа текстли расмлар серияси, бошқа тасвирий суръат асарлари;
- амалий безак ва манзарали санъат асарлари;
- меъморлик шаҳар-қурилиш ва истироҳат боғ қурилиши санъати асарлари;
- фотография асарлари ва фотография усулига ўхшаб олинган асарлар;
- жуғрофия асарлари ва фотография усулига ўхшаб олинган асарлар;
- электрон ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) дастурлари ва бошқа асарлар.

² Оқюлов О. Правовой статус интеллектуальной собственности. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора юридических наук. Т., 2000. -С.17

ЭХМ учун дастурни қўриқлаш ЭХМ дастурининг барча турига, шунингдек барча тилларда ва ҳар қандай шаклда ифодаланган ҳамда моддий шаклда ифодаланган ҳамда моддий шаклда ифодаланганидан қатъий назар бошловчи, матн ва объектив кодли амалий программа ва операцияли системалар (тизимлар)га жорий қилинади.

Юқоридаги қонунда муаллифларнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари ва шахсий мулкый ҳуқуқларининг ўрнатилиши, муаллифларнинг ўзларига тегишли бўлган бу ҳуқуқларини амалда қўллашда уларнинг асардан фойдаланувчи субъектлар билан муносабатлари доирасини ҳам аниқлаш имконини берди. Янги таҳрирдаги Қонунда муаллифларга янада кўпроқ ҳуқуқлар берилди ва асарлардан фойдаланишга рухсат бериш ваколатлари аниқлаштирилди.

Қонунда муаллифлик ҳуқуқи билан муҳофаза қилинадиган асарлар (объект)лар билан бирга ҳосила асар, жамлама асар, аудиовизуал асар, интервьюга ва бошқа турдаги асарларга нисбатан муаллифлик ҳуқуқи белгиланди ҳамда бу ҳуқуқларга таърифлар берилди. Қонуннинг 18- моддасида муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари аввалги қоидалардан кўра бошқароқ қилиб ўрнатилди, яъни номулкий ҳуқуқлар янада кенгайтирилди. Бу ҳуқуқлар: муаллифлик ҳуқуқи, муаллифлик исми-шарифига бўлган ҳуқуқ, ошкор қилишга бўлган ҳуқуқ, муаллиф обрўсини ҳимоя қилиш ҳуқуқи, асарни чақириб олиш ҳуқуқи каби ҳуқуқлар билан бойитилди.

Муаллифларнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари муаллифлар ҳуқуқий мақомини кенгайтириш билан бирга, муаллифларга қўшимча ҳуқуқлар ҳам берди. Яъни, ҳар бир шахсий номулкий ҳуқуқ муаллифнинг қандай ҳуқуқий муносабатда бўлиши, бу муносабатларнинг иштирокчилари билан ҳуқуқий тартибга солиш меъёрлари, ҳуқуқларни қўллашда муаллифга берилаётган имтиёз ва имкониятлар доирасини ҳам белгиланди.

Қонунда муаллиф асардан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда фойдаланишда мутлақ ҳуқуқларга эга эканлиги қайд этилган. Бу ўз навбатида муаллифнинг мулкый ҳуқуқларга нисбатан мутлақ ҳуқуқларидан учинчи шахслар қандай шакл ва ҳажмларда фойдаланишлари лозимлигини белгилайди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, муаллифнинг мақоми: муаллифликнинг юзага келиши; муаллифлик презумпцияси; муаллифнинг шахсий ҳуқуқларининг амалда бўлиши; муаллифнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг амалда

таъминланиши билан аниқланади. Муаллифнинг мақоми алоҳида соҳавий қонунларда янада кенгайтирилган ва унинг ҳуқуқий табиати кўрсатилган ҳолда белгиланганини ҳам таъкидлаш жоиз.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. <https://constitution.uz/>
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. Иккинчи қисм. <https://lex.uz/docs/-180552>
3. Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуни 2006 йил 20 июль, ЎРҚ-42-сон. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 28-29-сон, 260-модда.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» Қонуни 2007 йил 15 январь, ЎРҚ-78-сон. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 3-сон, 20-модда.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Оммавий ижрога мўлжалланган драматик, мусиқали ва мусиқали-драматик асарлар яратганлиги учун муаллифлик ҳақини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори 2019 йил 8 май, 385-сон. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.05.2019 й., 09/19/385/3107-сон; 09.01.2021 й., 09/21/7/0005-сон, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.04.2022 й., 09/22/153/0266-сон)
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Интеллектуал мулк соҳасини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. 2022 йил 26 апрель, ПҚ-221-сон. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.04.2022 й., 07/22/221/0357-сон)
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Муаллифлик ҳуқуқи объектларининг электрон назорат нусхаларини ягона базада сақлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори. 2022 йил 22 август, 469-сон. (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 22.08.2022 й., 09/22/469/0762-сон).
8. Юлдашов, А., & Чориев, М. (2020). Договорно-правовые отношения в области авторского права и ответственности за нарушение авторского права: национальный и зарубежный опыт. *Общество и инновации*, 1(1/S), 511-522.
9. Юлдашов, А. (2020). ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК БЎЙИЧА МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ВА БУТУНЖАҲОН ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ТАШКИЛОТИНИНГ БУ БОРАДА ТУТГАН ЎРНИ. *ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ*, 1(2), 53-59.

10. Юлдашов, А. (2021). Географик кўрсаткич тушунчаси ва иқтисодий тинчлик мустақамлашда унинг тутган ўрни. *ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ*, 2(1), 249-257.
11. Yuldashov, A. A. (2012). Government policies related to social protection of disabled persons in Uzbekistan: National and international aspects. *Teise*, 84, 186-191.
12. Abdugopirovich, Y. A. (2021). Types Of Legal Protection Of A Trademark (Service Mark) In Foreign Countries: The Example Of The Madrid System. *Turkish Journal of Computer and Mathematics Education (TURCOMAT)*, 12(4), 1068-1073.
13. Yuldashov, A., & Shanmuka, S. N. (2022). RAQAMLI MUHITDA MUALLIFLIK HUQUQI MUHOFAZASI. *Central Asian Academic Journal of Scientific Research*, 2(6), 168-181.
14. Юлдашов, А. (2020). Важные аспекты международной охраны авторского права и развитие договорно-правовой базы. *Review of law sciences*, 1(Спецвыпуск), 226-232.
15. Юлдашов, А. (2020). ЎЗБЕКИСТОНДА МУАЛЛИФЛИК ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАРНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК КУЧАЙТИРИЛИШИНING ДОЛЗАРБЛИГИ. *Review of law sciences*, (2), 134-137.
16. Тўракулова, Н., & Юлдашов, А. (2022). ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲУҚУҚИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРНИING ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ. *Conferencea*, 467-471.
17. Atalikova, G. S., & Asadov, S. F. O. G. L. (2022). MASLANAT VA KONSALTING XIZMATLARI: HUQUQIY TARTIBGA SOLISH MASALALARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(2), 299-309.
18. Yuldashov, A., & Usmonov, V. (2022). Copyright Protection in Uzbekistan by The Collective Management Organizations. *Miasto Przyszłości*, 25, 185–188.
19. Юлдашов А. А. НЕОБХОДИМОСТЬ УЧАСТИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В МЕЖДУНАРОДНЫХ РЕЙТИНГАХ И ИНДЕКСАХ В ОБЛАСТИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ //Электронный инновационный вестник. – 2021. – №. 1. – С. 18-20.
20. Yuldashov A., Usmonov V. COPYRIGHT PROTECTION IN TELECOMMUNICATIONS NETWORKS: THE EXAMPLE OF BLOCKCHAIN TECHNOLOGY //European Journal of Interdisciplinary Research and Development. – 2022. – Т. 4. – С. 22-29.

-
21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги фармойиши.
 22. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2020 йил 21 февралдаги “Суд муҳокамаси ошқоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги Қарори.
 23. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 август куни “Интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни